

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАЖИЕВА ЗЕБО БАХОДИРОВА

**МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА БУЙРАКЛАР
КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тажиева Зебо Баходировна

Мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларда буйраклар

касалигини олдини олиш тизимини такомиллаштириш..... 3

Тажиева Зебо Баходировна

Совершенствование профилактики болезни почек

у детей дошкольного и школьного возраста..... 20

Tazhieva Zebo Bakhodirovna

Improving prevention kidney disease in children

preschool and school age..... 39

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАЖИЕВА ЗЕБО БАХОДИРОВА

**МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА БУЙРАКЛАР
КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib632 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (узбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шайхова Гули Исламовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Халматова Барно Турдиходжаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хамракулова Мукадасхон Аскарловна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Шамансурова Эльмира Амануллаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

И.О. Отажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.Т. Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича болалар орасида сийдик-айирув тизими касалликлари долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, буйрак касалликлари асоратлари барча мамлакатларда жамоат соғлиқни сақлаш тизими учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг яшаш ҳудуди, ҳаёт тарзи, жинси, ёши, овқатланиш ҳолати билан боғлиқлиги, экологик омиллар таъсирида болалар ва катталар ҳаёти учун хавф туғдириши кузатилмоқда. Муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалиги токсикантлари билан ифлосланган ҳудудларда дисметаболик нефропатия болалар орасида ҳар учинчисида учраши билан бирга, ёш ошиши билан ўсиб бормоқда...»¹. Болаларда дисметаболик нефропатияни (ДМН) даволашда эришилган ютуқларга қарамай, амалий тиббиётдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳонда, айниқса, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчи буйрак касалликлари бўлган болалар ва ўсмирларда касалликни клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхисоти ва даволашни такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада болаларда буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичлари ўзгаришларининг корреляцион боғлиқлигини, дисметаболик нефропатия касаллигининг асоратларини ривожланишида пешоб таркибидаги тузлар даражаси, оксалатли нефропатиянинг шаклланиши ва кечишида клиник-лаборатор кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги, буйраклар фаолияти, гемодинамик ўзгаришлар ҳамда касалликни эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар орасида буйрак касалликларини самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш, жумладан, болаларда сурункали буйрак касалликларининг олдини олиш, эрта ташхислаш, болалар ўлимини камайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар болалар орасида буйрак касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

¹Э.А. Юрьева, В.В. Длин, М.В. Кудин, Н.Н. Новикова, Е.С. Воздвиженская, М.Н. Харабадзе, Д.Л. Князева Обменные нефропатии у детей: причины развития, клинико-лабораторные проявления Российский вестник перинатологии и педиатрии, 2, 2016. С. 28-34.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастури тўғрисида» Фармони.

кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали сурункали буйрак касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда буйрак касалликларини, хусусан дисметаболик нефропатиянинг (ДМН) ривожланишига олиб келадиган турли хил ҳавф омилларининг (экзоген ва эндоген) ҳамжихатлигини баҳолаш бугунги кунда долзарбдир. Болалардаги нефропатиялар тузилишида ирсий мойиллик билан боғлиқ бўлган касалликлар, яширин бошланиши, сурункали ривожланиши ва ривожланиш тенденциялари муҳим ўрин эгаллайди. Улар орасида кальций оксалат кристаллурияси бўлган дисметаболик нефропатиялар эса ҳозирги кун муаммоларидан биридир (А. В. Малкоч, 2005; М.С.Игнатова, Н.А.Коровина, 2007). Ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, экологик жиҳатдан ифлосланган ҳудудларда сийдик тизими патологиясининг тарқалиши 187:1000 ни ташкил этади, аммо шу билан бирга экологик тоза ҳудудларда нефропатия тезлиги 60:1000 гача кўтарилди. М.С. Игнатова (2016) фикрига кўра, бу факт сўнгги йилларда атроф-муҳит таъсиридан қатъий назар буйрак касалликларини яхшироқ аниқлаш тенденциясини таъкидлайди. Шу билан бирга, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлардаги болаларда нефропатиянинг биринчи белгилари ҳаётининг биринчи йилида аниқланган ва уларнинг таркибида кристаллурия устунлик қилади. Болаларда турли хил дисметаболик нефропатияларнинг учраш тезлиги номаълум. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда турмуш тарзидакам ҳаракатлилик, носоғлом овқатланиш одатлари ва семириб кетиш эпидемияси сўнгги 10–15 йил ичида катталар ва болалар орасида буйрак тизими касалликлари (БТК) тарқалишининг кескин ўсишига олиб келди (Straub M. et al., 2005). Шу билан бирга, БТК касаллиги билан оғриган одамларнинг фақат 25% индивидуал

биокимёвий ҳавфларни нормаллаштириш учун махсус фармакологик ёндашувларни талаб қилади. БТК касаллиги билан хасталанган барча беморларнинг 75% турмуш тарзини ўзгартириш, овқатланиш одатларини тўғрилаш ва носпецефик профилактикасида оддий усуллардан фойдаланган ҳолда тош пайдо бўлишининг қайталанишидан ҳолис бўлиши мумкин (Straub M. Et al.. ва бошқалар, 2005). Бир қанча муаллифларнинг (Баранов А.А. ҳаммуал., 2008; Игнатова М.С., 2009; Лильин Е.Т., 2008) фикрига кўра, соғлом болалар билан профилактик ишларнинг етишмаслиги ва уни нотўғри йўлга қўйилганлиги ногиронликка олиб келади. Сурункали патологияси бўлган болалар билан соғлиқни сақлаш ва реабилитация ишлари доимий равишда олиб борилади, афсуски, нефрологик касалликлар камдан–кам ҳолларда тузалиш билан яқунланади. Буларнинг барчаси уронефрологик патологияси бўлган болаларга реабилитациясининг турли босқичларида тиббий ёрдам кўрсатишни оптималлаштиришга йўналтирилган қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистондан қатор олимлар томонидан овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, темир ва йод танқислик ҳолати касалликларни олдини олишга қаратилган профилактик ва пархез таомларни ишлаб чиқиш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Г.И.Шайхова, 1999, 2000, 2005, 2017, 2020; А.С.Худойбергандов, 2017, 2020; Р.Т.Камилова, 2015, 2019; Ф.И.Саломова, 2002, Ф.Л.Азизова, 2004, Н.Ж.Эрматов, 1999, 2000, 2018, 2020), бироқ, болалар ва ўсмирлар орасида буйрак касаллигини олдини олиш ва даволаш борасида янги пархез таомларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, болаларда дисметаболик нефропатия шаклланишининг ҳавф омиллари ва асосий этиопатогенетик механизмларини баҳолаш, уларнинг юқори даражада тарқалиши, жиддий оқибатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда касалликни эрта ташхислаш, даволаш йўллари, профилактик чора-тадбирлари амалга оширишга қаратилган ташхислаш, даволаш, олдини олиш масаласини баҳолаш зарурлигини тақоза этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун ҳавfli омилларни бартараф этиш» мавзусидаги №03–4974 илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилоятида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар орасида дисметаболик нефропатияни олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда оксалатли нефропатиянинг тарқалиши, ривожланиши ва ҳавф омилларини баҳолаш;

болаларда дисметаболик нефропатия ривожланишида тиббий–ижтимоий омиллар, озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби ва ичимлик сувининг ўзаро корреляцион боғлиқлигини баҳолаш;

мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда оксалатли нефропатиянинг ташхислаш мезонлари самарадорлигини баҳолаш;

Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар фактик овқатланиши ва ичимлик сувини ҳисобга олган ҳолда дисметаболик нефропатияни олдини олиш ва даволаш тартибини муқобиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йиллар давомида Хоразм вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси ва оилавий шифохонасида назорат остига олинган 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 960 нафар болалар, шунингдек, назорат гуруҳи учун шу ёшдаги 40 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида дисметаболик нефропатияли болаларнинг кунлик овқатланиш рациона, ичимлик сувининг таркиби ва унинг таркибидаги тузларнинг миқдори, периферик қон, веноз қон ва қон зардобини, сийдикнинг биокимёвий таркиби баҳолашга қаратилган намуналарининг материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анкета-сўров, ретроспектив таҳлил маълумотлари, клиник манзарани баҳолаш, биокимёвий, инструментал, функционал ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар орасида оксалат нефропатиянинг ривожланишига таъсир этувчи хавф омиллари, ичимлик сувининг сифати, фактик овқатланиш билан боғлиқлиги аниқланган, касалликни оптимал даволашга қаратилган маҳаллий маҳсулотлардан тузилган кунлик ва ҳафталик пархез ишлаб чиқилган;

ичимлик сув таркибидаги темир, аммиак, сульфат, фтор микроэлементлари миқдорининг давлат стандарти талабларига мос келмаслиги натижасида болаларда модда алмашинуви жараёнлари бузилиши ҳамда дисметаболик нефропатиянинг шаклланиши аниқланган, бу ҳолат гломеруляр филтрация тезлиги, мочевина, креатинин каби клиник-лаборатор кўрсаткичлар асосида тасдиқланган;

болаларда сийдик таркибидаги оксалатларнинг кунлик экскрецияси билан ичимлик суви ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибидаги рух, кальций, темир, марганец, калий, натрий, фосфор микроэлементлари орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

Хоразм вилоятида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда оксалат нефропатияни даволашда илк бор Уралесан+пархез комплекси ва махсус миллий таомлардан тузилган пархез ишлаб чиқилган ва унинг буйраклар асосий фаолиятларни меъёрига олиб келишидаги самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи болаларни соғломлаштириш ва буйрак касалликларининг олдини олиш учун мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар орасида оксалатли нефропатиянинг учраш даражаси баҳоланган;

мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда оксалат нефропатиянинг хавф гуруҳлари, фактик овқатланиш ва ичимлик суви таркибидаги туз миқдорининг корреляцион боғлиқлиги ва оксалат нефропатияли болаларда пархезни оптималлаштириш услубий тавсиялари ишлаб чиқилган;

мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда турли хавф омилларини баҳолаш мақсадида махсус профилактик текширув картаси ёрдамида такомиллаштирилган дисметаболик нефропатияни эрта ташхислаш усули тавсия этилган;

оксалат нефропатияли болаларни даволашда ҳудудий маҳсулотларни инобатга олиб ишлаб чиқилган пархез таомлар билан биргаликда Уралесан+ пархез комплексидан фойдаланиш натижасида буйраклар асосий функцияларини меъёрига олиб келишидаги ижобий самараси баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал тўпланганлиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, болаларда дисметаболик нефропатия ривожланишини тахмин қилинишини, ташхислаш сифатини, даволаш ва профилактик тадбирлар натижаларини яхшилаш, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар орасида оксалатли нефропатиянинг хавф гуруҳлари ҳамда ичимлик суви ва фактик овқатланишнинг муҳим томонларига боғлиқлигини баҳолашга қаратилган илмий методологик ёндошувлар асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оксалат нефропатияли болаларда пархезни оптималлаштириш услубий тавсиялари, болаларда дисметаболик нефропатияни эрта ташхислаш, болаларнинг ижтимоий ва психоэмоционал ҳолатини баҳолаш, даволаш самарадорлигини такомиллаштириш ишлаб чиқилганлиги, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда оксалат нефропатияни даволашда биринчи марта Уралесан+пархез комплекси ва махсус миллий таомлардан тузилган пархез қўлланилганлиги, дори воситасининг пархез билан биргаликда берилишининг шикастланган буйрак паренхимасининг функционал ҳолатини сақлаш, унинг асосий фаолиятларни меъёрига олиб келишидаги ижобий самараси берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда буйрак касаллигини олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Оксалат нефропатияли болаларда пархезни оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 2019 йил 1 июлдаги 8н-р/275-сон хулосаси). Дисметаболик нефропатияли болаларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдин олишга қаратилган чора-тадбирлар ўз навбатида касалликнинг қайталаниш даражасини камайтириш ҳамда касалликнинг ривожланишини олдини олиш имконини берган;

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда буйрак касаллигини олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали шифохонаси, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Урганч шаҳар 2 ва 3-сонли оилавий поликлиникалари, Шовот, Хива, Гурлан туман тиббиёт бирлашмаларига қарашли мараказий поликлиникаларнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/147-сон хулосаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши мактабгача ва мактаб ёшидаги дисметаболик нефропатияли болаларни эрта ташхислаш, даволаш, олдини олиш учун ишлаб чиқилган махсус миллий таомлардан тузилган пархез ва Уралесан+пархез комплексидан самарали фойдаланиш натижасида болаларда сийдик-тош касалликлари келиб чиқиши ва оғир асоратларни олдини олиш ҳамда даволаниш муддатларини қисқартириш билан биргаликда ҳаёт сифатини яхшилаш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти

келтирилиб, тақдикот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Болаларда дисметаболик нефропатияни долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Болаларда оксалат нефропатиянинг эпидемиологияси, ривожланишига олиб келувчи ҳавф омиллари, оксалат кристаллурияси бўлган дисметаболик нефропатия ташхисига замонавий қарашлар ҳамда болаларда оксалатли дисметаболик нефропатияни даволаш ва олдини олишга боғлиқ бўлган замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Болаларда дисметаболик нефропатияни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объектларни ва тадқиқот усуллари тавсифлашга бағишланган. 2017–2019 йиллар давомида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри, Шовот, Гурлан ва Хива туманларида 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган жами 1309 нафар болаларни Урганч шаҳридаги 30-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 5-сонли умумий ўрта таълим мактабида, мактабгача таълим муассасаларида, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникаларида текширув тадқиқот ишлари олиб борилди. Тиббий текширувлардан ўтган болалар анатомик ва физиологик хусусиятларига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилди: мактабгача ёшдаги болалар 3-6 ёш – 313 нафар (32,5%), (ўғил болалар 188 нафар - 19,5%, қиз болалар – 125 нафар 13%), мактаб ёшидаги болалар 7-10 ёш – 321 нафар (33,5%) (ўғил болалар 156 нафар - 19,5%, қиз болалар – 165 нафар - 17%), ва 11-15 ёш - 326 нафар (ўғил болалар 162 нафар - 16%, қиз болалар – 164 нафар - 17%) ташкил қилди. Шулардан 52,7% ини ўғил болалар, 47,2% ини қиз болалар ташкил қилди. Назорат гуруҳини шу ёшдаги 40 нафар соғлом болалар ташкил қилди. Тадқиқот ишлари 3 та босқичда олиб борилди: 1-босқич. ДМН, СЙИ ва бошқа буйрак касалликлари бўлган, аҳволи яхшиланган, стационар шароитида даволаниб чиққан болаларда терапевтик ва профилактик тадбирларни қўлланганлиги ва самарадорлигини ретроспектив усулда аниқлаш; боланинг ривожланиш тарихи (112-х.ш.), соматик бўлимнинг касаллик тарихи (003/й-х.ш.), гениологик, биологик ва ижтимоий анамнез, касаллик анамнези, қайталаниш тезлиги, экстраренал ва буйрак белгиларининг кўриниши аниқланди. 2-босқич. ДМН дастлабки босқичларида касаллик клиникаси яширин кечиши, беморларда деярли шикоятлар бўлмаслиги ва сийдикда туз кристалларининг пайдо бўлишини эътиборга олиб, соғлом болалар орасида, клиник текширувлар ўтказилди. Бунда барча болаларда ҳаёт анамнези маълумотлари инобатга олинди; умумий қон ва сийдик таҳлили, кристалл идентификацияси ва кристаллометрия ўтказилди. Туз кристаллари аниқланган болаларда қон ва сийдикни биокимёвий таҳлил қилиш, буйрак функциясини аниқлаш (креатинин даражасини, гломеруляр филтрация тезлигини ҳисоблаш, Зимницкий синамаси) ўтказилди. Биокимёвий тадқиқотлар қон зардобидида оксил ва унинг фракцияларини, мочевина, креатинин ва қон электролитларини (кальций, калий, натрий) аниқлашни ўз ичига олди.

G.J.Schwartz формуласидан фойдаланиб қисман буйрак функцияси, гломеруляр фильтрация қиймати баҳоланди. Асосий гуруҳни ДМН бошланғич даврида бўлган 960 бола ташкил этди. 3–босқичда фактик овқатланиш ва ичимлик сувини ҳисобга олган ҳолда оксалат нефропатия давосини коррекция қилиш ва олдини олиш мақсадида дастлабки оксалат нефропатия аниқланган болаларда клиник текширув олиб борилди. ДМН касаллигида пархез билан биргаликда Уралесан препаратини қўллаш ва самарадорлигини аниқлаш учун болалар 4 та гуруҳга ажратилди. Барча гуруҳ болалари динамикада назорат қилинди.

Ташхис ҳозирги вақтда клиник амалиётда қўлланилаётган Т.М. Творогова ва Ю.Е. Вельтищев томонидан таклиф этилган ДМН таснифидан фойдаланилди (1985 йил).


Диссертациянинг «**Хоразм вилоятида болаларда буйрак касаллиги ривожланишида экологик ҳавф омилларини гигиеник баҳолаш**» номли учинчи бобида ретроспектив маълумот натижалари келтирилган. Хоразм вилояти туманидаги кўп тармоқли поликлиникаларда 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган статистик маълумотларга кўра, болаларда СИТ касалликлари 2012 йили вилоят бўйича 23,7% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 46,1% ни ташкил қилган. Болаларда ДМН касаллиги ривожланишининг тиббий ва ижтимоий ҳавф омилларига кўра болалар 2017–2019 йилларда интеркурент касалликларга тез–тез чалинган: сурункали тонзиллит – 53%, ўткир респиратор касаллик – 60%, бронхитлар – 45%, зотилжам – 13%, ўткир ичак инфекциялари – 36%, ўткир гастрит – 3,3%, гельминтозлар – 53%, цистит – 13%, рахит – 33%, ЭКД – 33,3%, анемия – 76,6%, бронхиал астма – 8,6%, овқат аллергияси – 46%, дориларга аллергия – 6,7%, пиелонефрит – 3%, сийдик йўллари инфекцияси – 12,6%, ВГА – 6%, тери касалликлари – 10,3%. Шунингдек, боланинг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган омиллар: онада, ота–оналарда ва уларнинг болаларида сийдик тизими касалликлари; ирсий ҳолат; ҳомиладорлик пайтида дори–дармонларни қабул қилиш; ҳомиладорлик пайтида онанинг асоратлари ва касалликлари; қониқарсиз яшаш шароитлари; боланинг кунлик ва овқатланиш режимига риоя қилмаслиги; моддий қийинчиликлар; мослаштирилган сут аралашмаларидан фойдаланиш, кўшимча озиклантириш ва сунъий озиклантиришни эрта жорий этиш кабилар аниқланди. Хоразм вилоятининг иқлим хусусиятларини ва ичимлик суви ҳолатини минтақавий гигиеник таҳлилига кўра сув таркиби бактериологик кўрсаткичлари 2016 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда нисбатан ёмонлашган. Ўртача ҳисобда олинган 6500 та намунадан сув таркибининг йилдан йилга ёмонлашиб, талабга жавоб бермаган кўрсаткичи 2016 йилда 12,3%, 2017 йилда 11,8%, 2018 йилда 15,4% ва 2019 йилда 18,1% га кўтарилган (1–расмга қаранг).

2-расмда охириги беш йилда текширилган сувнинг қаттиқлик кўрсаткичлари йилдан йилга ошиб борганлигини кўрсатади.


Шундай қилиб, Хоразм вилоятидаги барча туманлар сув таъминоти манбаларида, сув таркибидаги организм учун зарарли микроэлементлари миқдорининг давлат стандарти талабларига мос келмаслиги ва сувнинг

қаттиқлигининг меъёрдан юқорилиги натижасида болаларда модда алмашинуви жараёнлари бузилиши ҳамда дисметаболик нефропатиянинг (нефролитиаз) экологик шаклларининг тарқалишига олиб келади.

Хоразм вилоятида мактабгача ва мактаб ёшида бўлган болалар овқатланиши ва озиқ-овқатлар сифатини гигиеник таҳлилига кўра текширувдаги асосий гуруҳдаги болалар овқат рациони таҳлилида: нон маҳсулотлари йил давомида меъерий хужжатларда тавсия этилаётган миқдордан 50% гача ортиқчалиги; бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса балиқ маҳсулотлари меъёрдан кам истеъмол қилинаётганлиги аниқланди.



1–расм. Хоразм вилояти туманларида 2016–2020 йиллар водопровод сувидан ўтказилган бактериологик таҳлилида талабга жавоб бермаган кўрсаткичлари




2–расм. Хоразм вилояти туманларида 2016-2019 йиллар водопровод сувининг қаттиқлиги бўйича

Овқат рационидаги ҳаётий муҳим аҳамият касб этадиган озуқа моддалари таҳлилида оқсил, ёғ ва углеводлар барча мавсумларда, айниқса ёғлар миқдори сезиларли даражада меъёрдан кам эканлиги кузатилди. Овқат рационининг қувватмандлиги меъёрга нисбатан 6,4–15,2% гача қопланмаган. Овқат рационининг озуқавий қийматга эга минерал моддалар ва витаминлар (витамин В1 бундан мустасно) таҳлилида ҳам ёш ва мавсумга мос равишда белгиланган меъёрлардан кам эканлиги аниқланди. Шунингдек оқсил, ёғ ва углеводлар миқдори нисбати таҳлилида барча ҳолатларда гигиеник меъёрлардан четга чиқиш кузатилди.

Диссертациянинг «**Мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларда дисметаболик нефропатия маркерларининг клиника–биёкимёвий характеристикаси**» номли тўртинчи бобида кузатувдаги болаларда ДМН дастлабки (нозологиягача бўлган) босқичининг клиник хусусиятлари ва СИТ касалликлари бўйича шикоятлари бўлмаган 1309 нафар болалардан 960 нафаридан (73%) сийдик таркибида туз кристаллари аниқланди (3–расмга қаранг).

Аниқланган минерал хусусиятига қараб, туз қолдиқларини аниқлаганимизда уратлар 11%, кристаллар 16,5% ва оксалатлар 45,6% ни ташкил этди. Болаларда ДМН касалликнинг ўзига хос белгилари аниқ тавсифланмаган. Рандомизация усули билан танланган болаларда касалликнинг эрта клиник ва лаборатор белгиларини аниқлашга муваффақ бўлди. Клиник белгилардан қорин оғриғи, кунига суюқлик миқдори камлиги, чанқоқлик, терлаш, кардиалгия, дизурия, ич қотиши мойиллиги, энурез, бош оғриғи, иштаҳанинг пасайиши, эрталаб кўз қовоқларининг шишиши, қуруқ тери, жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, қон босимининг пасайиши, лаборатория маълумотларидан эса сийдикнинг рН ишқорли, оксалатурия, кристаллурия, уратурия, фосфатурия, лейкоцитурия, аҳамиятсиз протеинурия, сийдикнинг кунлик чиқиши камайиши.



3–расм. Текширувдаги болаларда минерал хусусиятига қараб туз қолдиқларининг тарқалиши

Тадқиқот натижаларига кейинги текширувларимиз асосий гуруҳимизда энг кўп (46%) учраган оксалатли нефропатияси бўлган болаларда, буйрак фаолиятининг фосфор–кальций алмашинуви бузилиши негизида ГФТ кўрсаткичларини аниқлашдан иборат эди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги болаларда ГФТ даражасининг сезиларли пасайиши ($62,87 \pm 24,17$) билан биргаликда қон зардобиддаги креатинин ва мочевиначининг сезиларли даражада ошганлиги аниқланди ($P < 0,001$). (1–жадвалга қаранг).

1–жадвал

Оксалатли нефропатия бўлган болаларда фосфор–кальций алмашинуви бузилиши фониди ГФТ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Текширув гуруҳи ($M \pm m$)		Ишонччилик Мезони P
	Асосий гуруҳи(n=171)	Назорат гуруҳи(n=40)	
ГФТ (Schwartz.мл/мин /1,73 м ²)	$62,87 \pm 24,17$	$108,3 \pm 21,0$	$< 0,001$
умумий кальций (ммоль/л)	$1,98 \pm 0,006$	$2,25 \pm 0,022$	$< 0,05$
фосфор (ммоль/л)	$1,12 \pm 0,010$	$1,17 \pm 0,037$	$> 0,05$
креатинин	$98,57 \pm 29,41$	$56,68 \pm 15,12$	$< 0,001$
мочевина	$6,7 \pm 0,78$	$3,8 \pm 0,20$	$< 0,05$

Асосий болалар гуруҳида проксимал найчалар функцияларининг пасайиши аниқланди, буни калий ва натрий реабсорбциясининг пасайиши билан баҳолаш мумкин. Генле ва дистал нефроннинг дисфункцияси клиник жиҳатдан гиперстенурия (42%) ва енгил никтурия (болаларнинг 37%) билан намоён бўлди. Ацидо– ва аммиогенезнинг функциялари бузилмаган, аксинча, бу болаларда аммиакнинг кунлик чиқарилиши, сийдикнинг титрланадиган кислоталиги назорат гуруҳига нисбатан юқори ($P < 0,05$). Гломеруляр (калава) филтрация тезлиги ГФТ – бу энг аниқ кўрсаткич бўлиб, битта аниқ сон шаклида буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолашга имкон беради (2–жадвалга қаранг).

2–жадвал

Оксалатли нефропатияли ва соғлом болаларда буйракнинг ГФТ даражаси кўрсаткичлари

ГФТ	Креатинин мкмоль/л	Schwartz мл/мин/1,73м ²
Асосий гуруҳ	$98,6 \pm 9,4$	$62,87 \pm 24,17$
Назорат гуруҳи	$56,68 \pm 15,12$	$108,3 \pm 21,0$

Олинган маълумотларга кўра назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳнинг барча текширилган болаларида ГФТ пасайишининг Шварца

(Schwartz) бўйича (62,87±24,17) биринчи даражасини кўрсатди. Шунингдек, асосий гуруҳ болаларидаги креатинин миқдори (98,57±9,41) назорат гуруҳига (56,68 ± 15,12) нисбатан ошганлигини кўрсатди (P <0,01).

Сийдикдаги оксалатлар ва ичимлик суви, озиқ-овқат рационидagi микроэлементлар билан корреляцион таҳлилни ўтказишда (рух – r =+0,8256, P<0,01; кальций – r =+0,9563, P<0,001; калий – r =+0,9012, P<0,001; натрий – r =+0,9146, P<0,001) юқори даражада корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Сув ва озиқ-овқат рационидagi оксалатлар билан эса ўртача тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди – фосфор (r =+0,6824, P<0,05) ва марганец (r =+0,6635, P<0,05) элементлари ташкил қилди. Шу билан бирга, кремний (r =-0,7851, P<0,01) ва хлор (r =-0,5827, P<0,05) оксалатурия константалари билан тескари яъни билвосита корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Буйрак экскрециясининг барча параметрлари статистик жиҳатдан ичимлик суви ва озиқ-овқат микроэлементлари билан ўзаро боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари, сув-туз ва кислота-асос алмашинувини таъминлашда нафақат буйраклар, балки ошқозон-ичак тизими, ўпка ва терилар ҳам иштирок этади. Умуман олганда, кузатилган болаларда ичимлик суви ва озиқ-овқат элементлари билан оксалатли нефропатия ўртасидagi корреляцион боғланиш асосий қисмида жуда юқори даража - 87,1% ни ташкил этди.

Диссертациянинг **«Оксалат нефропатияли болаларнинг овқатланишини коррекция қилиш ва даволаш чора тadbирларини такомиллаштириш»** номли бешинчи бобида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда оксалатли нефропатияни комплекс даволашда махсус ишлаб чиқилган пархез ва Уралесан+пархез самарадорлиги аниқланди. Олиб борилган тadbқиқотимизда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 960 нафар оксалатли нефропатия аниқланган болалар ичидан 211 нафар болалар танлаб олиинди. Танланган болалар орасида буйрак касалликлари билан даволанган ва даволанмаган болалар ҳам бор эди, чунки кўпчилик болалар клиник текширув пайтида оксалат кристаллурияси аниқлаган бўлса ҳам шикоятлари бўлмаган. Бу болаларда ДМН донозологик шаклининг ривожланиш ҳавфи юқоридир. Текширилган болалар гуруҳларида касаллик анамнези ва оилавий анамнез таҳлил қилинганда, деярли фарқлар бўлмади. Текширувдан ўтган болалар 4 гуруҳга ажратилди:


1 – таққослаш гуруҳи (назорат) – 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 40 нафар бола (20 қиз ва 20 ўғил) – 2 та курс давомида витаминлар билан даволанди: А витамини (1000 ХБ/ йил / 24 соат), Е витамини (1–1,5 мг / кг кунига бир марта), В6 витамини (кунига 1 марта 1–3 мг / кг) 4 ҳафта танаффус билан давом этди.

2 – Уралесан сиропини олган болалар гуруҳи – 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 41 бола (22 қиз ва 19 ўғил бола) – дозаси ёшига мос равишда 1 ойлик даволаш курси буюрилган: мактаб ёшидаги болалар – кунига 3 марта 5 мл; мактабгача ёшдаги болалар – кунига 3 марта 2–4 мл тавсия қилинди.

3 – Бир йил давомида фақат махсус пархез олган болалар гуруҳи – 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 80 бола (34 қиз ва 46 ўғил). Даволаш курслари – 1–3 ой, йилига 2 марта, қишда (декабр, январ) ва ёзда олиб борилди.

4 – Уралесан + пархез олган болалар гуруҳида 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 50 бола бўлган (27 қиз ва 23 ўғил). Ёшига мос дозаларида 1 ой давомида даволаш курсини ўтадилар: мактаб ёшидаги болалар – кунига 3 марта 5 мл Уралесан + йил давомида пархез; мактабгача бўлган болалар – кунига 3 марта 2–4 мл Уралесан ҳамда қўшимча йил давомида пархез тавсия қилинди.

Уралесан + пархез тавсия қилинган 4-чи гуруҳ болаларимизда буйракнинг ГФТ 50% га ошди, 1-чи, 2-чи ва 3-чи гуруҳ болаларида эса бу кўрсаткич нисбатан 7–10% дан ошмади. Бу эса 4 гуруҳ болаларида даволашдан ГФТ олдинги ҳолатга нисбатан 2 баравар кўпайганлигини кўрсатади (4–расмга қаранг).



4–расм. Оксалатли нефропатия бўлган болаларда даволашдан олдин ва кейин ГФТ кўрсаткичлари (Schwartz бўйича мл/мин/1,73м²).

Тадқиқотимиз давомида, айнан оксалатли нефропатияда тавсия қилинган даво гуруҳларида сийдикда ажралаётган оксалатлар ва суткалик диурезига ҳам катта аҳамият берилди (5–расмга қаранг).



5–расм. Болаларда даволаш турига қараб кунлик сийдик чиқарилиши ва ундаги оксалат тузлари

Витаминлар билан даволанган 1–назорат гуруҳи болаларида сийдикда суткалик оксалатлар миқдори даводан олдинги ҳолати билан даводан кейинги ҳолатида деярли фарқ бўлмади (олдин $1475,7 \pm 63,8$ мкмоль/кунига, кейин $1320,1 \pm 61,9$ мкмоль/кунига). Оксалатлар ажратиш миқдори норматив кўрсаткичгача камаймади. Аксинча, 6 ойдан кейин бу болалар сийдигида яна оксалат тузларининг кўтарилиши аниқланди. Бу эса витаминларнинг организмда барча моддалар алмашинувини кучайтириши, лекин оксалатурияга таъсирининг нисбатан самарасиз эканлигини кўрсатади. Ўртача ҳисобда олинган суткалик сийдик миқдори бу гуруҳ болаларида ҳаттоки даволашдан кейин ҳам сезиларли даражада ошмаган (олдин $618,3 \pm 46,2$ мл/кунига, кейин $649,6 \pm 49,4$ мл/кунига, $P < 0,05$).

2–болалар гуруҳида сийдикда суткалик оксалатлар миқдори даводан олдинги ҳолати билан даводан кейинги ҳолатида анча фарқ бўлди (олдин $1751,0 \pm 88,6$ мкмоль/кунига, кейин $964,9 \pm 52,8$ мкмоль/кунига $P < 0,05$). Бу болалар сийдик таркибида оксалатлар деярли 2 бараварга камайди (нормада 3–15 ёшдаги болаларда сийдик таркибида оксалатлар миқдори 98–280 мкмоль/кунига чиқиши мумкин). Бунга сабаб асосан Уралесан препаратининг карбамид ва хлоридларнинг чиқарилишини оширилиши, сийдик пуфаги ва буйракдан майда тошлар ва қумларни ҳайдашга ёрдам бериш хусусиятига эгалигидир. Шунга қарамасдан даволашнинг 30–чи кунида, бу гуруҳ болаларнинг 12%да оксалатли кристаллурия кузатилган ва ҳудди шундай ҳолат терапия бошланганидан 3 ой ўтгач, текширув пайтида яна аниқланган. Ўртача ҳисобда олинган суткалик сийдик миқдори бу гуруҳ болаларида ҳам даволагунга қадар кам ажралиб чиққан. Уралесан препаратини олгандан кейин эса диурез бир қанча ошган (олдин $796,3 \pm 83,6$ мл/кунига кейин $1126 \pm 60,5$ мл/кунига, $P < 0,05$).

Фақат пархез билан реабилитация жараёнини амалга оширган 3 гуруҳда сийдик таркибида оксалатлар миқдори анча камайган (олдин $1765,6 \pm 87,2$ мкмоль/кунига, кейин $1077,5 \pm 55,1$ мкмоль/кунига), лекин норматив миқдорига етмаган (нормада 3–15 ёшдаги болаларда 100–200 мкмоль/кунига). Сийдикда оксалатларнинг пайдо бўлиши, суяқлик ичишининг етарли бўлмаган ҳолларида, иссиқ иқлим шароити билан боғлиқ бўлиши мумкин. Болаларнинг пархез терапияси билан даволанишига қарамай, ишлатилаётган сувнинг сифати паст ва таркибида оксалат элементлари бўлган. Демак оксалатли нефропатия ҳолатида оксалат тузларидан тозаланиш учун пархез таомларнинг ўзи етарли эмаслиги маълум бўлди. Кунлик диурез ҳам бу гуруҳ болаларида нисбатан кам бўлган. Ҳаттоки даволашдан кейин ҳам сезиларли даражада ўзгармади, бор йўғи 140 мл га ошган (олдин $737,5 \pm 82,3$ мл/кунига, кейин $873,1 \pm 91,1$ мл/кунига, $P < 0,05$).

Уралесан+пархез биргаликда тавсия қилинган 4 гуруҳдаги болаларнинг сийдик таркибида оксалатлар миқдори 3 бараварга камайди (олдин $1757,0 \pm 88,9$ мкмоль/кунига, кейин $665,78 \pm 49,3$ мкмоль/кунига). Уралесан+пархез биргаликда буюрилганда организмда бирданига алиментар омилни бартараф этиш билан, сийдикда ҳимоя коллоидини ҳосил қилиб

оксалатлар хосил бўлишига тўсқинлик қилади. Кунлик диурез бу гуруҳ болаларида ҳам даволагунга қадар кам ажралиб чиққан. Уралесан + пархез биргаликда олгандан кейин эса диурез ошган ва кунлик нормасига етган (олдин $828,6 \pm 84,2$ мл/кунига, кейин $1222,2 \pm 961,8$ мл/кунига, $P < 0,001$).

Шундай қилиб, ўрганилган тадқиқот натижалари Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларда оксалатли нефропатиянинг реабилитация даврида витаминотерапия ва пархез тавсия қилинган болалар гуруҳларида кутилган натижалар кузатилмади. Шунингдек, реабилитация даврида фақат Уралесан тавсия қилинган болаларда ҳам кутилган натижа олинмади, уларда даво курси тугатилишидан кейин, 6 ой ичида яна оксалатурия аниқланди. Аммо Уралесан+пархезни биргаликда қўлланилган болаларда юқори самара олинди. Препаратнинг махсус пархез билан биргаликда берилиши, метаболик жараёнларни нормаллаштиришга, цитомембраналарни мустаҳкамлашга ёрдам беради, буйрак паренхимасининг яллиғланиш ҳолатига қарши таъсир кўрсатади ва капилляр қон оқимини яхшилайдди. Ушбу комплексни оксалатли нефропатия бўлган болаларнинг комплекс терапиясига тавсия этиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

«Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда буйрак касаллигини олдини олишни такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи мактабгача ва мактаб ёшидаги 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1309 нафар болаларнинг сийдик таҳлиллари ўрганилган, 960 нафар (73%) болалар орасида дисметаболик нефропатиянинг тарқалганлиги аниқланган ва ушбу болаларнинг 596 нафарида (45,6%) оксалатли нефропатия ташҳиси исботланган;

2. Хоразм вилоятидаги барча туманларда сув таъминоти манбаларининг сув таркиби организм учун зарарли ва сувнинг қаттиқлиги 2 марта юқорилиги дисметаболик нефропатиянинг (нефролитиаз) экологик шакллариининг тарқалишига олиб келади. Сўнгги 10 йил ичида (2011–2020 йиллар) вилоятнинг барча ҳудудларида ичимлик суви сифати ёмонлашган. Шовотда – 1,8 марта, Боғотда – 1,9 марта, Янгибозорда – 1,6 марта, Урганч ва Хивада – 1,7 марта, Хонкада – 1,2 марта. Сувнинг қаттиқлиги даражаси ва ундаги кимёвий моддалар миқдори бўйича ҳудудлар жиддий фарқ қилмади. Энг ёмон кўрсаткичлар нисбатан Хива ва Хонка туманларининг табиий сувларида кузатилди, бу ерда O'zDSt 950-2011 «Ичимлик суви» ўрганилган намуналарнинг 70% гача ташкил этди.

3. Дисметаболик нефропатиянинг клиник эрта ташҳисот мезонларига: дизурия, тери қуруқлиги, қабзиятга мойиллик, АБ пасайиши, қоринда оғриқ; лаборатор кўрсаткичларига: кристаллурия, микрогематурия, лимфоцитар лейкоцитурия, суткалик диурез камайиши, ГФТ (СКФ) пасайиши киради.

4. Кузатилган болаларнинг 87,1% да ичимлик суви ва озиқ–овқат элементлари билан оксалатли нефропатия ўртасидаги корреляцион боғланиш мавжуд ($r = +0,66$ дан $r = +0,95$ гача, $P < 0,001$). Бу оксалатли нефропатиянинг яшаётган ҳудудга, ичимлик сувига ва овқатлар сифатига жуда зич боғлиқлигини кўрсатади.

5. Оксалатли нефропатия давосини оптималлаштириш натижасида сийдик таркибида оксалатлар миқдори 3 бараварга камайди (олдин $1757,0 \pm 88,9$ мкмоль/кунлик кейин $665,78 \pm 49,3$ мкмоль/кунлик $P < 0,05$), диурез 20%га ошди ва кунлик нормасига етди (олдин $828,6 \pm 84,2$ мл/кунлик, кейин $1222,2 \pm 96,8$ мл /кунлик, $P < 0,001$). ГФТ 50% га ошди.

6. ДМН эрта ташхислаш учун 3 босқичли алгоритм ишлаб чиқилди. Бу алгоритм боланинг оилавий яшаш шароити, хомиладорлик даври ва туғруқнинг кечиши, фарзандлар сони, боланинг овқатланиш тартиби ва тури, авлодда наслий, сурункали касалликларнинг мавжудлиги, болаларнинг ижтимоий ва психоэмоционал ҳолатини баҳолашга йўналтирилган.

7. Тадқиқотнинг узоқ муддатли натижалари ДМН бўлган болаларда касалликнинг салбий оқибатларга олиб келадиган функционал, биокимёвий кўрсаткичларнинг яхшиланиши ва қайталаниш даражасини 2 марта қисқартириши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТАЖИЕВА ЗЕБО БАХОДИРОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ БОЛЕЗНЕЙ ПОЧЕК У
ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО И ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА**

14.00.07 – Гигиена

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/Tib632.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители: **Шайхова Гули Исламовна,**
доктор медицинских наук, профессор

Халматова Барно Турдиходжаевна,
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамракулова Мукаддасхон Аскарровна,**
доктор медицинских наук, профессор

Шамансурова Эльмира Амануллаевна,
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фараби, 2. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за № _____) (адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фараби, 2. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2021 года)

Ф.И. Саломова

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, доцент

И.О. Отажонов

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней кандидат медицинских наук

Г.Т. Искандарова

Заместитель председателя научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Заболевания мочевыделительной системы становятся одной из актуальных проблем медицины в мире. По данным Всемирной организации здравоохранения, осложнения заболеваний почек имеют важное значение для системы общественного здравоохранения во всех странах. Частота их зависит от места проживания, образа жизни, пола, возраста, особенностей питания, воздействия экологических факторов. По данным литературы, «...в районах, загрязненных промышленными или сельскохозяйственными токсикантами, дисметаболическая нефропатия встречается у каждого третьего ребенка и увеличивается с возрастом...»³. Несмотря на успехи в лечении дисметаболической нефропатии (ДМН) у детей, она становится одной из наиболее актуальных проблем практической медицины.

В мире особое внимание уделяется ряду целевых научных исследований, направленных на улучшение клинических и патогенетических характеристик, диагностику и лечение заболеваний, особенно среди населения экологически неблагополучных районов. В связи с этим ведутся исследования по совершенствованию критериев ранней диагностики, а также изучение корреляционных связей функционального состояния почек у детей с уровнем солей в составе мочи при развитии осложнений дисметаболической нефропатии, клиническими лабораторными показателями при формировании и течении оксалатной нефропатии.

